ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 26 декабрь
ПАЙШАНБА
№ 250 (5.242).
Баҳоси 8 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

И. А. Каримов сайловчилар ҳузурида.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК, БАХТЛИ ҲАЁТ УЧУН

24 декабрь куни И. А. Каримов ўз сайловолди режаларига мувофиқ Бухоро ва Самарқандга сафар қилди, сайловчилар билан учрашди.

У Бухорода сайловолди учрашуви бошлангунича болалар соғлигини тиклаш ва даволаш республика марказида бўлди. Гарчи марказ шу йилнинг март ойида очилган бўлса-да, юзлаб кичкинтойлар, хаста болалар бу ерда даволандилар. Марказга энг янги, жуда самарали тиббий аппаратлар ўрнатилган, сауна, шифобахш ўсимликлар билан даволаш хонаси, сузиш ҳавзаси бор. И. А. Каримов шифокорлар ва тиббий ҳамширалар билан уларнинг муаммолари, марказни моддий жиҳатдан таъминлаш масалалари тўғрисида гаплашди. У Республика раҳбарияти болалар соғлиғини пухта муҳофаза этиш ва тиклаш, Бухоро даволаш марказига ўхшаш муассасалар келгусида бошқа вилоятларда ҳам очилиши учун маблағ аямаслигини айтди.

Шундан сўнг Президентликка номзод Бухоро ип газлама комбинати ишчи ва хизматчилари ҳузурида бўлди, тўқимачиларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари билан танишди. Шунингдек, у муқаддас зиёратгоҳ Баҳовуддин Нақшбандий мақбарасини зиёрат қилди, диндорлар билан уларни тўлқинлантираётган муаммолар хусусида суҳбатлашди.

Номзоднинг шаҳар маданият саройида сайловолди учрашуви бўлди. Уни Бухоро вилоят кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров очди. Ишончли вакил — вилоят болалар жамғармасининг раиси А. Музаффаров йиғилганларни президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли, фаолиятининг асосий босқичлари билан таништирди.

Учрашувда сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят кенгашининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Раҳимов, Вобкент районидан келган фермер М. Иброҳимов, Баҳовуддин Нақшбандий масчитининг имом-ҳатиби М. Абдуллаев ва бошқалар ҳозирги Президентнинг Ўзбекистондаги тангликни бартараф этишга, аҳоли барча табақалари турмуш шароитларини яхшилашга, республика халқи ўртасида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ишларини юқори баҳоладилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод Самарқандга келди. Бу ерда у «Сино» ишлаб чиқариш бирлашмасига борди, ишчилар, муҳандислар билан учрашди, холодильниклар тайёрлаш технологияси, ишлаб чиқариш шароитлари, корхона меҳнаткашларининг турмуши билан танишди.

Шундан кейин И. А. Каримов Самарқанд вилоят кенгашининг мажлислар залида сайловчилар билан учрашди. Учрашувни вилоят кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов очди, номзоднинг ишончли вакили Б. Р. Раҳимов, халқ депутатлари Каттақўрғон район кенгашининг раиси М. Шодиев, Самарқанд дорилфунунининг профессори Б. Валихўжаев, Оқдарё район уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг аъзоси Ш. Назаров, «Кинап» заводи директорининг ўринбосари Г. С. Паряева, Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси М. Ашуров ва бошқа кўплаб қишилар сўзга чиқишди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти олиб бораётган сиёсатни ва унинг амалий фаолиятини маъқулладилар. Бўлажак Президентга ўз таклиф-мулоҳазалари ва истакларини айтдилар.

Йиғилганлар ҳузурида сўзга чиққан И. А. Каримов ўзига билдирилган юксак ишонч учун Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг сайловчиларига чин дилдан ташаккур изҳор қилди. Президентликка номзод Ўзбекистондаги бугунги иқтисодий вазият ҳақида, республика ҳукумати тангликни бартараф этиш юзасидан амалга ошираётган тадбирлар, халқ турмуш даражасини ошириш, аҳолини, айниқса камбағал табақаларни бозорга ўтиш шароитида ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари тўғрисида гапириб берди.

И. А. Каримов мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ва жаҳон ҳамжамиятида унинг тўлақонли аъзоси сифатида мустақил Ўзбекистонни ривожлантириш истиқболларига батафсил тўхталиб, тўғри сиёсатни танлаш бўлажак Президентнинг муҳим вазифаси эканини таъкидлади. Аҳоли барча табақалари турмуш даражасини ошириш, Ўзбекистон фуқаролари ўртасида мустаҳкам тинчлик ва тотувликни таъминлаш, халқаро ҳамкорлик майдонида республика мавқеи ва обрўсини тиклаш юзасидан ғайрат билан ишлаш унинг моҳияти бўлмоғи лозим.

Учрашув қатнашчилари мурожаатнома қабул қилдилар, унда ўз вилоятларидаги сайловчиларини 29 декабрь куни Ислом Абдуғаниевич Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

БОҒНИНГ БОЛИ БОР

Сариосиё районидаги «Дашнобод» давлат хўжалиги директори Абдуғаффор Аҳмедов қиш уйқусига чўмган қадрдон далаларни айланар экан, чуқур тин олди.

Жорий йил А. Аҳмедов учун яна бир катта синов бўлди. Унинг таъкидлашича, анорзор 1900 гектарга етиб, шундан 742 гектаридагиси ҳосил бера бошлаганди. Афсуски, қишдаги қаттиқ совуқ 809 гектардаги анорзорни хароб этди. 282 гектардагиси таг-томири билан қўпориб ташланди. 198 гектардаги туплар қайта тиклаш мақсадида тагидан кесилиб, новда қўйилди. Яна 329 гектарда шундай иш бажарилиши керак эди. Бунга улгиришолмади.

— Узумзорларимизга ҳам совуқ қаттиқ таъсир қилди, — дейди у. — Ҳосилга кирган 250 гектар токзорнинг 30 фоизини совуқ урди. Май ойида бўлган дўл 115 гектардаги ҳосилни ер билан яксон қилди.

Ҳосилдан умид узилган эди. Йўқ, қуруқ қолишмади. 1300 тонна атрофида узум олинди. Унинг 1211 тоннаси йил бошида тузилган шартномага мувофиқ Россияга юборилди. Улар эса озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари беришди.

Красний Уральскка 100 тонна мева юборилган эди. Бунинг эвазига 2 вагон ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари келди. Екатеринбургга 80 тонна узум юборилиб, 2 вагон қўмир, 1 вагон шифер олинди. Яқинда Магнитогорскдан сим ва угольник олинди. Вильнюсдан картошка, Бошқирдистондан нефть маҳсулотлари келди.

— Маҳсулот айирбошлашни ўзимиздаги саноат корхоналари билан ҳам давом эттириш ниятида иш олиб боряпмиз, — давом этди раҳбар. — Шу мақсадда Тошкент трактор заводи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси билан ҳам манфаатли шартнома тузиб, уларга мева юбордик. Бу корхоналар эса бизни трактор ва унинг эҳтиёт қисмлари билан таъминлашмоқда.

А. Каримов бошлиқ бригада ери икки адир орасида жойлашган. Боғбонлар зинапоя шаклида экилган дарахтлар парвариши осон эмаслигини айтдилар.

Бригадага 1980 йилдан буён етакчилик қилиб келаётган Ашурбобо боғдорчилик учун амалдаги йилда шароит бўлмаганини, анорнинг совуқ уриб кетганини айтди. Фақат адир ён бағрида зинапоя шаклида экилган анорлар соғ қолган.

— Насиб бўлса, яна икки йилдан кейин бу ерларда катта ҳосил оламиз, — деди кекса боғбон. — Ўнгача помидор, бодринг етиштирамиз, чорвага ем-хашак тайёрлаб берамиз.

Тагидан қўпориб ташланган 282 гектар анорзорнинг 186 гектарига ғалла экилди. Хўжалик бўйича 300 гектар суғориладиган майдонда дон етиштирилади. Кекса анор дарахтларининг баҳридан ўтилди. Ана шу майдоннинг 100 гектари узумзор бўлади. Винобоп узум кўчатлари экиш мўлжалланмоқда. 80 гектарга эса эртапишар мевали дарахт кўчатлари экилади. Хурмо ва қароли майдонлари кенгайтирилади. Бу икки мевадан хўжалик катта даромад кўрмоқда. Шу йилнинг ўзида жойларга юборилган 86 тонна қароли хўжаликка вагон-вагон ёғоч тахта, ёқилғи, қувур ва бошқа қурилиш материаллари келтирди.

Директор шулар ҳақида гапирар экан, боғларни кенгайтириш, меваларни кўпайтириб бориш хўжалик иқтисодини оширишнинг муҳим омили эканини, айниқса ҳозирги иқтисодий танглик даврида тадбиркорлик билан иш тутиш зарурлигини таъкидлади.

Хўжалик деҳқонларининг мақсади боққа боғ қўшиш билан бирга унинг замирида мўл сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш.

М. БОТИРОВ.

Учқўрғон районидаги «Андижон» жамоа хўжалиги деҳқонлари учун жорий йил натижалари қувончли бўлди. Иллик режа районда биринчи бўлиб адо этилди. 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга 3 минг 600 тонна сифатли хом ашё армуғон этилди. Заршунослар ҳосилдан бўшаган ерларни меъёрида ўғитлаб, сифатли шудгордан чиқардилар. Техника ремонтини ҳам жадал суръатларда олиб бораётган азаматлар 30 та культивация, 14 та сеялка, 12 та чизель культиватор, 13 та ўғитлагич, 180 та борона, 14 та плугни баҳорги дала ишлари учун ҳозирлаб қўйишди.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор механик-ҳайдовчилар (чапдан) Қосимжон Нишонов, муҳандис Сидиқали Ҳолмирзаев, Азамат Исоқов таъмирдан чиққан агрегатларни қўздан кечиришмоқда. 2. Ҳасанбой Ниёзматов ва Одилжон Жўраевлар тажриба алмашмоқдалар.

Н. ЭРГАШЕВ олган суратлар.

ЖАННАТИ МЕВА

Гапнинг тўғриси, қаҳрамонимизни ўтган йили Ўзбекистон телевидениеси орқали «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатувида кўргандик. Улкан анжирлар соясида туриб ширин суҳбат қураётган отахонга ҳаваси-миз келганди. Ўшанда биз Ғаффорали Тешабоевдек хайрли ишга қўл урган, бутун умри давомида анжир кўчатлари парваришлаб, ширин-шакар мева етиштирган инсонларнинг районимизда борлигидан фахрланган, унинг ишлари билан таниш-биш иштиёқи туғилганди. Ниҳоят кузда миришкор соҳибкор билан учрашиш шарафига муяссар бўлдик.

Ойим қишлоғининг Далварзин кўчасида истиқомат қилаётган Ғаффорали ота хонадонига қадам қўяр эканмиз, ёқимли ҳид димоғимизга урилди. Қайси томонга қараманг, туплари катта-катта, ўркач-ўркач танаси бақувват анжирларга кўзингиз тушади. Шохлари тирговичлар билан кўтарилган. Меваларга ғуж-ғуж, қизғи қуёш тафтида новвотдай товланади, ҳар биридан шарбат томиб тургандай.

— Анжир парваришлашни отамдан ўрганганман, — дейди Ғ. Тешабоев мамнун. — Буларни отам раҳматли ўтқазганлар, юз йилдан ортиқ бор. Кейинги пайтларда уни етиштириш анчагина камайди. Шундай онлалар ҳам борки, томорқасида бирор туп ҳам анжир ўстиришмайди. Ваҳоланки, у шифобахшликда меваларнинг султони.

— Қайси касалликларга даво?

— Ўғлим Раҳмонали Андижон тиббиёт институтида ўқиб юрган чоғларида бир кекса кишининг уйида турарди. Уй эгаси қария қаттиқ йўтал касалига йўлиққан экан. Ўғлим бу ҳақда менга гапирди. Мен эрталаб сутга қайнатиб ичишни тайинлаб чолга анжир бериб юбордим. Муолажалар бир неча бор такрорланганда сўнг ўша киши йўталдан батамом қутилди.

— Анжирингизни бозорга ҳам олиб борасизми?

— Мева кўп бўлганда сотамиз ҳам. Йилига уч-тўрт минг сўм даромад қиламиз. Булардан ташқари бизникига жуда кўп меҳмонлар келишади. Улар билан баҳам кўрамиз.

Отахоннинг хонадонидан яхши одамлар ташрифи тинмайди. Унинг яқинлари, дўсту биродарлари, меҳнатнинг қадрига етган, унга ҳаваснанд кишилар тез-тез келиб туришади. Ғаффорали ота бу йил яна бир хайрли ишга қўл урди. Эрта баҳордан «Ойим» давлат хўжалигининг 1-бўлимидан жой ажратиб олиб 700 туп ниҳол ўтказди.

Ота билан хайрлашар эканмиз, сўнгги саволни бердик:

— Шундай баҳайбат анжирларни қишда совуқдан ҳимоя қилишда қийналмайсизми?

— Албатта, кузда кўмиш, баҳорда очиш қийин кўчади. — Лекин бу ишда ўғил-қизларим, келинларим яқиндан ёрдам беришади. Ўғлим Раҳмоналига 20 тупини бўлиб берганман. У ишдан бўш вақтларини анжирзорда ўтказади. Болалари ҳам отасига ёрдамга келишади. Қисқаси, анжир етиштириш ҳаваси-ни набираларим қалбига ҳам сингдириш ниятидаман.

М. МИРЗАЕВА,
Ў. ИСОМИДДИНОВА.

Жалолқудуқ райони.

ШЎР ЮВИШ МАҲОРАТИ

• ТАВСИЯ

Деҳқончилик тадбири мажмуасидаги қишки энг муҳим юмушлардан бири шўр ювишдир. Жумҳуриятимизда 1230 минг гектар ер шўрланган. Улардан 43 фоизи қучсиз, 40 фоизи ўртача ва 17 фоизи кучли даражада шўрланган. Касалланиш даражаси ҳосилдорликка ёмон таъсир кўрсатади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, шўрланмаганга нисбатан кам шўрланган тупроқларда пахта ҳосили 20—30 фоиз, ўртачасида 40—60 фоиз, кучли шўрланган ерларда 70—80 фоиз камаяди. Шу сабабли мўл ҳосил олиш учун ўсимлик илдизлари борган тупроқ қатламидаги ортиқча тузларни йўқотиш керак. Бунга фақат яхоб суви бериш билан эришилади.

Шўр ювиш самарадорлиги кўпинча уни ўтказиш муддатига боғлиқ. Ердаги тузларнинг ювилиб кетиши тупроқ ҳарорати нисбатан баланд бўлганда яхши натижа бериши кузатилган. Шу билан бирга бу тадбирдан мурод — ғўза ва бошқа экинларнинг ниҳолларини етиштириш учун тупроқда зарур намлик заҳирасини яратишдир.

Тупроқнинг шўрланганлик даражаси, таркиби ва захоб чуқурлиги ҳисобга олинган ҳолда вилоятларда қўйидаги шўр ювиш меъёрлари ва муддатлари тавсия этилади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида енгил қумоқ тупроқларда шўр ювиш маромии гектарига 2—4, ўртачасида 3—5, оғир қумоқ тупроқларда 4—6 минг кубометр сув талаб этади. Оғир қумоқ тупроқларда декабрь ойида, ўртача қумоқ ерларда январь ойида, енгил қумоқ тупроқларда эса февраль ойида шўр ювишни якунлаш зарур. Фарғона водийси ва Бухоро вилоятида ҳам юқоридаги меъёр бўлиши тавсия этилади. Лекин бу тадбир муддати бир ойга илгари сурилгани дуруст.

Қорақалпоғистон жумҳурияти, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг енгил қумоқ тупроқларида шўр ювиш нормаси гектарига 2,5—4 минг, ўртача қумоқ ерларда 4—5 минг, оғир қумоқ тупроқларда шўр ювиш март-апрелда, ўртача ва оғир қумоқ тупроқларда январда тугалланиб, ювиш маромининг учдан икки қисми ўша ойда, қолганини эса мартда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Энг муҳими, бу тадбирнинг илмий асосланган нормалари ва ўтказиш технологиясига алоҳида эътибор бериш зарур. Айрим районларда амалда қўлланилаётган ювиш меъёри тавсия этилганидан анча ортиқ бўлаяпти. Аксарият ҳолларда эса тупроқ шўрланиши тахминан аниқланади ва ўша ўлчов йилдан-йилга ўзгармай қолаяпти. Шунинг учун бу меъёр тупроқ шўрланиш даражаси картограммаси асосида аниқланади маъқул. Бундай картограммалар барча хўжаликларда бор, улар асосида ўтказилган шўр ювиш тупроқнинг энг тўғри меъёр билан сифатли ювилишини таъминлайди ва 10—25 фоиз сувни иқтисод қилиш имконини беради. Бу эса суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва атроф-муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тавсия этилган шўр ювиш технологияси кўп ҳолларда бузилмоқда. Айрим вилоятларда бу тадбирнинг «дамба» деб аталган усули қўлланилади. Бунда яхоб поллар бўйича эмас, балки йирик пайкаллар бўйича баланд марза олиб амалга оширилади. Бу усулда кўп сув бекорга исроф бўлади, тупроқ бир текис ювилмайди, захоб сатҳи кўтарилади ва ювиш меъёри кескин ошиб кетади.

Тупроқни сифатли ювишда ерни текислаш катта аҳамиятга эга. Чунки текис далада сув баробар тақсимланиб, шўр бир текис ювилади, ортиқча оби ҳаёт сарфига барҳам берилади. Яна муҳими озуқа моддалар ювилиб кетмайди. Аммо бу иш ҳамма жойда тўғри ўтказилаяпти, деб бўлмайди.

Кучли шўрланган қаттиқ ганч ва «шўх» қатламли тупроқларда яхобдан аввал ер чуқур юмшатилиши, гектарига 30—40 тонна гўғ ёки лигнин солиниши керак. Зарур бўлса захни тез қочириш учун зовурларнинг иккинчи қавати очилади.

Жумҳуриятимиз бўйича шу йил 20 декабргача 121,8 минг гектарда шўр ювилди. Бу йиллик режанинг 6,2 фоизини ташкил қилади ёки ўтган йилдагидан 43,8 минг гектар камдир. Айни пайтда асосан Қорақалпоғистон жумҳурияти, Тошкент, Фарғона вилоятларида бу иш кенгроқ олиб борилмоқда. Жорий йилда вилоятларимизда пол олиш ўтган йилдагидан олдинроқ бошлаб юборилди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу ишлар ҳали бошланганги йўқ. Бу икки вилоятда сўнгги йилларда шўр ювишга яхши эътибор берилмаяпти. Ерлар текисланмасдан тўғридан-тўғри эгатларга сув қўйилиб, бу тадбир амалга оширилаяпти.

Шўр ювиш бошланишигача барча турдаги суғориш шохобчалари ва коллектор-зовурлар таъмирланган, тозаланган бўлиши ва уларнинг яхши ишлаши таъминланиши лозим. Лекин ҳозирча бу иш республикамиз бўйича 13453 минг куб метр ҳажмда бажарилди. Бу йиллик режанинг 35,8 фоизини ташкил қилади ёки ўтган йилдагидан 13,6 фоиз камдир. Самарқанд вилояти хўжаликларида бу иш ҳали бошланганги йўқ. Қашқадарё (13,2 фоиз) ва Сурхондарё (19,3 фоиз) вилоятларида бу иш жуда суст бажарилмоқда. Коллектор-зовур тармоқларини тозалаш эса атиги 51 фоизга адо этилди ёки ўтган йилдагидан 4,8 фоиз камдир. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида коллектор-зовурларни тозалаш айниқса, суст олиб борилмоқда.

Шўр ювишда баъзи хўжаликларда бор сувдан оқилона фойдаланилмаётир. Айниқса уватлар, йўллар сув бостирилишига йўл қўйилмоқда. Бунинг учун сувчиларнинг навбатма-навбат ишлашини ташкил қилиш, уларни иссиқ овқат, махсус иш кийими ва фонуслар билан таъминлаш тадбирлари кўрилмаётир.

Шўр ювишда қўл меҳнатини кескин камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва сувчилар иш шароитини яхшилаш мақсадида тунука ёки пластмассадан тайёрланган кўчма тўсиқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда сувчиларга қуруқ марзаларда юриб ишлаш имкони яратилади.

Шўр ювиш сифати ва унинг тугалланганлиги тупроқдаги хлор миқдори билан аниқланиши зарур. Бунда деҳқонга вилоят агрохимия лабораториялари ва «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (ИИБ) тажриба станциялари ва уларнинг бўлимлари яқиндан ёрдам бериши керак.

Шўр ювиш тугалланганидан сўнг тупроқнинг етилишига қараб, КЗУ-0,3 агрегати ёрдамида пушталарни текислаш, бульдозер билан вақтинча ўқариқларни кўмиш, сўнгра узун текислагич билан далаларни текислаб, экиш учун юмшатилади. Экиш чўзилиб кетган ҳолларда намни сақлаш ва тупроқни қайтадан шўр босишининг олдини олиш учун бороналашни ўтказиш керак. Бу тадбирлар оқилона ўтказилса, мўл ҳосилга пойдевор яратилади.

Тавсияни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, СоюзНИХИ мутахассислари тайёрлашган.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ИСТИҚЛОЛ АБАДИЙ БЎЛСИН

Жумҳурият Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси қарорига асосан декабрнинг 29-кунида Ўзбекистон жумҳурияти Президенти сайлови ҳамда умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилинди. Шу кундан бошлаб биз — Оқдарё районининг кўп сонли меҳнаткашлари, айниқса ўтмиш сўқмоқларида кўп азоб чеккан уруш ва меҳнат фахрийлари ўзбек элининг асил фарзандларидан бирини жумҳурият Президенти лавозимига сайлаш кунига катта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Энг муҳими узоқ йиллардан буён орзу қилиб келган армонимиз — Ўзбекистон мустақиллигига эришдик. Эндиги вазифа ана шу мустақиллигимизни сақлаб қолишдир.

Тарихий манбалардан маълумки, бу соҳада қатор ишлар қилишга тўғри келади. Чечен-ингушларнинг ватанпарварлиги барчамизга ўрнак бўлиши керак. Халқимизда «Айрилмагил элингдан, қувват кетар белингдан» деган нақл бор. Ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб бирлашсак қудратимиз ортади.

Оқдарё туманининг 80 мингдан ортиқ аҳолиси, айниқса районнинг меҳнат ва уруш фахрийлари 29 декабрь кунидаги референдумда мустақиллик учун овоз беришга аҳд қилдилар ва ҳаммани шунга чорлаётирлар. Бу шубҳасиз озодлик, ҳуррият дегани, битмас-туганмас бойликларимизга ўзимиз эгалик қиламиз дегани. Она тилимиз, диний ибодатларимиз, миллий урф-одатларимизни сақлаб қолиш демакдир. Фан-техниканинг илғор ютуқларидан фойдаланиш, хориждаги юртдошларимиз билан алоқалар ўрнатиш демакдир.

Албатта, мустақил давлатнинг мустақил раҳбари бўлиши шарт. Шу боис 29 декабрь куни Ўзбекистонимиз Президентини сайлашимиз лозим. Худди шундай халқ сардорлигига Ислом Абдуғани ўғли Каримов муносиб деб ўйлаймиз. Чунки у киши толмас, тинмас-тинчимас, изланувчан, халқпарварлиги билан кўзга кўринди. Иқтидорли иқтисодчи, давлат арбоби сифатида миллионлар қалбидан ўрин олди.

Ўзбекистон — кўп миллат ва элатлар ўлкаси. Буни сира унутмаслик керак. Ислом Каримов миллатлар иноқлиги, дўстлиги ҳақида жон куйдириб, катта-катта ишларга қўл ураётир. Масалан, Қирғизистондаги миллий низолар зийраклик ва ақиллик билан бартараф этилди. У ҳар қандай вазиятда бардошлилик, чидам ва оқиллик кўрсатиб келаётир.

Ҳадисларимизда ёзилганидек, марҳумлар ҳурмат-эътибори доимо ёдга олинмоғи лозим. Бу борада ҳам Ислом Абдуғани ўғли оқиллик, тадбиркорлик кўрсатмоқда. Бу инсоний фазилатларни барчамиз, айниқса кекса авлод якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Масалан, Ўзбекистон учун бор куч-қуввати, навқирон умрини бахшида этган Шароф Рашидовнинг ёркин сиймосини тиклашнинг ўзи кўпчилик учун сабоқ бўлди, деб ўйлайман. Марҳумлар ёдига тош отиш инсоният тарихида қатор касофатларни келтириб чиқарган. Машҳур саркарда, бутун оламга довруғ солган лашкарбоши Амир Темур қабрини очиб, унинг руҳини безовта қилиш нималарга олиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсон вафот қилгани билан унинг руҳи тирик, у ҳамиша биз билан. Шундай экан, Ислом Каримов мусулмончилигимиз удумларига ҳам қатъий риоя этган инсон сифатида кекса авлод қалбидан ўчмас из қолдирди.

Яна бир гап. Илгари деҳқон, ишчи меҳнатига етарли эътибор берилмасди. Бугун эса деҳқон қўлига ҳам пул тушадиган бўлди. Бир пайтлари аксари ёшларимиз шаҳарларга кетиб қолардилар. Чунки деҳқонни моддий рағбатлантириш ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Мана, икки йилдирки, қишлоқлар шаҳар қиёфасини олмоқда, ёшларимиз бағримизга қайтмоқдалар.

Яна шуниси қувончлики, Президент халққа қатор эркинликлар яратди. Аввалларидан бери неча ойлаб тўйлар ўтказилмас, одамлар бесаранжом бўлишарди. Ҳатто никоҳ тўйларига рухсат берилмасди. Энди эса вазият, муносабат ўзгарди. Халқ бундан хурсанд. Тасаввур қилиб кўринг, республика аҳолисининг 47 фоизи 16 ёшгача, 53 фоизи 25 ёшгача бўлгандан сўнг тўй қилмай бўладими? Аммо айримлар бундай ўзгаришларга ғайирлик қилмоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, мустақиллик учун овоз берайлик, истиқлолимиз абадий, устивор-лиги метин бўлаверсин. Шундай мустақил давлат Президентлигига эса иродали, халқ ғамида ҳатто ҳаётини гаровга қўяётган Ислом Абдуғани ўғли Каримов учун овоз берайлик.

Шодигул НАЗАРОВ,
Улуғ Ватан урушн ва меҳнат фахрийси.

ҚУРУВЧИЛАР ҚАРОРИ

«Ўзбекистон гидроэнергетика қурилиши» бош пудратчи трести жамоасининг 24 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган умумий йиғилишида мурожаатнома қабул қилинди. Унда энергосозлар Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига И. А. Каримов номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Тарқатилган мурожаатномада, жумладан, бундай дейилади: «Ҳозир И. А. Каримов мустақил Ўзбекистоннинг шубҳасиз ва тан олинган раҳбаридир. У одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга, ижтимоий кескинликни юмшатишга катта ҳисса қўшмоқда. Унинг зиммасига гоят қийин даврда республикага раҳбарлик қилишдек оғир иш тушди. Лекин И. А. Каримов ана шундай шароитда хонадонларимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаб, босиқлик билан иш олиб бораётганлигидан фахрланишимиз мумкин».

Трест жамоаси пудратчи ва кичик пудратчи ташкилотларнинг меҳнатчиларини 29 декабрь куни И. А. Каримов учун овоз беришга чақирди. Трест бошқарувчиси А. Эргашев ўз нутқида таъкидлагандек, ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистон энергетикасининг бутун келажаги қурувчилар ва энергетика иншоотларидан фойдаланувчиларнинг кўп минг кишилик армияси Президент сайловида ким учун овоз беришига боғлиқ.

(ЎзТАГ).

ҚЎРИҚ ЎЛКА ЧОРЛОВИ

23 декабрь куни Қарши шаҳрида Президентликка номзод Ислом Каримов билан кўп кишилик сайловолди учрашувида Қашқадарё сайловчилари бу номзодга самимий ҳурмат ва тўла ишонч изҳор қилдилар.

Мажлис аҳлини номзоднинг таржимаи ҳоли билан муфассал таништиришга ҳожат йўқ эди — кўп одамлар уни яхши биладилар, вилоят партия ташкилоти раҳбари лавозимида қандай ишлаганини эсладилар. Учрашувда сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят Кенгашининг раиси С. У. Усмонов, Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозининг бригадири З. Тўлаев, Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз директори М. Саидов, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз раиси К. Ҳақбердиев, «Каршистрой» бирлашмасидан Халқ демократик партияси партия Кенгашининг котиби А. Н. Олейник, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Т. П. Хидиров И. А. Каримовнинг амалий фаолиятига батафсил баҳо бердилар. Улар И. А. Каримов Ўзбекистондаги тангликни тезроқ бартараф этиш учун, республика иқтисодиёти ва маданиятини юксалтириш, халқ турмушини фаровон қилиш учун куч-ғайратни аямаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Президентнинг сўнгги вақтда қабул қилган фармонлари айни шу мақсадларни кўзлайди. Эндиликда қишлоқ меҳнатчилари тасарруфида улар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисми қўлида, деб таъкидланди нутқларда, ногиронлар ва пенсионерлар, кўп болали оилалар, муаллимлар, тиббиёт ходимлари катта имтиёзлар олдилар.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига И. А. Каримов номзодини тўла қўллаб-қувватлаймиз ва 29 декабрь куни бўладиган сайловда у ғолиб чиқишига ишонамиз, дейишди учрашув қатнашчилари. Шундан сўнг мустақил давлатнинг биринчи марта умумхалқ томонидан сайланган бошлиғи сифатида у Ўзбекистоннинг мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш учун, жумҳуриятнинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришиш учун кўп иш қилиши, иқтисодий соҳада тўпланиб қолган жуда кўп долзарб масалаларни ҳал этиши лозим бўлади.

— Сайловда ҳал қилувчи сўзни сайловчилар айтадилар, — деб таъкидлади Президентликка номзод учрашувда сўзлаган нутқида. — Бу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг кўпларини биргаликда ишлаган пайтимдан яхши биламан, вилоят фаоллари билан ўлканинг мураккаб муаммоларини ҳал этишга тўғри келган эди, мен уларга самимий миннатдорчилигимни айтаман. Агар Президентлик лавозимига сайлансам бугун менга берилган барча топшириқларни бажаришга ҳаракат қиламан.

У ўз дастури тўғрисида батафсил сўзлаб берди, бу дастур Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга, республикада сиёсий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Бунинг учун мавжуд ички имкониятларни тўла сафарбар этиш, собиқ Совет Иттифоқи ўрнида вужудга келган ҳамдўстликнинг мустақил давлатлари билан тузилган иқтисодий битимларни рўёбга чиқариш керак. Бу йўл Президент сиёсатида ва унинг амалий фаолиятида асосий йўл бўлади. Бу йўлни фақат тинчлик ва тотувлик, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш шароитида амалга ошириш мумкин.

Сўнгра И. А. Каримов республика ҳукумат делегациясининг яқинда Туркияга қилган ташрифи якунларига тўхталди. У Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеи ва обрўйини мустаҳкамлаш учун, меъёрий бозор муносабатлари, ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли шартлари асосида халқаро алоқаларни ривожлантириш учун яхши истиқболга эга эканлигини таъкидлади. Бу эса республика ҳаётидаги жуда кўп долзарб масалаларни муваффақият билан ҳал этиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, Ўзбекистон учун бозор иқтисодиёти соҳасидаги малакали ходимлар ва мутахассисларни тайёрлашни кенгайтириш имконини беради.

Учрашув қатнашчилари барча сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида И. А. Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

ЭРТАНИ ЎЙЛАГАН— МУРОДИНИ КЎЗЛАГАН

Бозор иқтисоди шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ульянов районидаги «Ғалаба» давлат хўжалигида хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 7 майда қабул қилган «Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги фармонига асосан 192 кишига 6856 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 356 килограмм гўшт, 2978 сўмлик мол озуқаси бепул тарқатилди. Қаровчиси йўқ 8 кишига 600 сўм пул ажратилди. 12 кишига яшаб турган уйи шахсий мулк қилиб берилди. Улар асосан уруш ногиронлари ва меҳнат ветеранларидир. Қаршибой Раҳимов, Шерна Хидиров, Носир Олимов, Худойберди Шарипов ва бошқалар ана шулар жумласидан. Бу уйларнинг умумий қиймати 210 минг сўмни ташкил этади.

Президентнинг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. 13,400 сўм маблағ сарфланиб, биринчи гуруҳ ногиронни Ойсара Бердиевага хўжалик ҳисобидан уй қуриб берилди. Серфарзанд, кам таъминланган оилалар, чорночор турмуш кечираётганлар, 39 нафар меҳнат ногирони, боқувчисини йўқотган 38 хонадон таъминотини яхшилаш ҳамиша диққат марказида. Ёрдамга муҳтож кишиларнинг уй-жойлари хўжалик ҳисобидан ремонт қилиб берилаяпти. Биргина 1991 йилда ана шу мақсад учун 64 минг сўм маблағ сарфланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Кам таъминланган оилаларга 392,4 минг сўм қоплов пули тўланди.

Хўжалик ҳудудидаги қишлоқларда 16 ёшгача бўлган 2200 нафар ўғил-қиз бор. Бу жами аҳолининг қарийб 50 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархлар ислоҳ этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ёш авлод ҳақида ғамхўрлик оширилмоқда. Жумладан, хўжаликда яшовчи оналарга болалар кийимкечаги учун 374 минг сўм пул берилди. 6 ёшгача боласи бўлган 473 аёлга ҳар ой 80 сўмдан, 1,5 ёшгача фарзандини тарбиялаётган 196 аёлга 110 сўмдан нафақа тарқатилмоқда. Йил бошидан буён бу тўловлар учун 500 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Президентнинг 1991 йил 11 январдаги «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармони иқтисодий турмуш даражасини оширишга муҳим омил бахш этаяпти. Қисқа давр ичида 110 гектар майдон фуқароларга томорқа ва ер участкаси сифатида тақсимлаб берилди. 28 оила хўжалик ҳисобидан қурилган уйга кўчиб кирди. Аҳолини бинокорлик материаллари билан таъминлаш диққат марказида. Чунончи, шахсий уй қураётган фуқароларга 20 тонна цемент, 40 куб метр тахта-ёғоч сотилди.

Қишлоқ йўлларини тартибга келтирш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, янги хонадонларни электрлаштириш қатъий режа асосида амалга оширилмоқда. Бундан кўпчилик мамнун. 1990 йилда Хўжақарлиқ қишлоғида 9 километр масофага водопровод қувури ётқизилди. «Ғалаба» қишлоғи тўлиқ водопроводлаштирилган. Хонадонлар табиий газдан баҳраманд. Ўтган йили бу ерда бир километр узунликдаги сув қувури таъмирланди. Саргужум қишлоғини водопроводлаштириш, хўжалик марказидаги сув тармоғини 3 километрга узайтириш мўлжалланган.

Жорий йилнинг ўзида қарийб 5 километр йўлга шағал тўкилди ва унинг бир қисмига асфальт ётқизилди. Бунинг учун 300 минг сўм маблағ сарфланди. Маданий-маиший хизмат тармоқларини кенгайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилаяпти. Хўжаликда магазин, 450 ўринли клуб, маиший хизмат уйи, алоқа бўлими, 2 та сартарошхона, даволаш муассасалари, автомат-телефон станцияси мавжуд. Қурилиш-ободончилик соҳасидаги ишлар давом эттирилаяпти.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Юқорида баён қилинган фикрлардан хўжаликда барча муаммолар ҳал этилган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Одамлар соғлиғини муҳофаза қилиш, болали аёлларга қулайлик яратиш, уларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Хўжалик ҳудудида боғча ёшидаги 1192 ўғил-қиз бор. Шунга қарамасдан 140 ўринли битта доимий боғча мавжуд, холос. Буни қаноатланарли ҳол деб бўлмайди, албатта. Қишлоқларда замонавий боғчалар йўқ, болари ҳам хўжакўрсинга ташкил этилган. Ремонт устахонаси, чорвачилик фермасида ходимларнинг дам олиши учун зарур шароит яратилган эмас. Ҳаммом йўқ. Хўжалик марказида оқова сувлар чиқариб юборилиадиган қувурлар нормал ишламайди. Қишлоқлар меъморчилигига эътибор берилмаяпти. Одамлар тўғри келган жойдан девор тиклаб, уй-жой қуришган. Йўл бўйларидаги ўтин-чўп, ғўзапоя ғарамлари кўзга хунук кўринади.

Аҳолини ижтимоий меҳнат билан таъминлаш энг катта муаммолардан бирига айланган. Қўшимча ишчи ўринларини вужудга келтириш қийин кўчаётир. Тўғри, бу йил жувозхона, тегирмон қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Фаолият» кичик корхонаси иш бошлади. Тўра Ҳамроев раҳбарлигидаги мазкур корхона якка тартибда уй-жой қураётганларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Хом ғишт тайёрлаш цехини очишга тараддуд кўрилмоқда. Уни зарур даражада ускуналаш учун 65 минг сўм маблағ сарфланди. Аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалигидаги моллар ва паррандаларни емхашак билан таъминлаш, уларда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида республика Президентининг 1990 йил 10 майдаги фармонига асосан 1991 йилда хўжалик меҳнаткашларига 205 тонна беда пичани, 1200 тонна кўк беда, 356 тонна сомон, 5 тонна арпа, 30 бош қорамол, 13 бош қўй, 168 бош парранда, 156 тонна буғдой сотилди. Ёш келин-куёвларга оилासини тиклаб олиш учун яқиндан ёрдам кўрсатилаяпти. Уларга янги уй калитлари топширилмоқда.

Хўжалик маъмурияти ижтимоий масалаларни ҳал этишда касаба уюшма қўмитаси, меҳнат жамоалари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораётир. Бу эса яхши самара бераяпти. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув усулларини такомиллаштириш, раҳбарликни замонавий талаблар даражасига кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир хўжалик бошқарувининг асосий бўғинларида ишлаётганларнинг аксарияти ёш, малакали кадрлар. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизлардан 40 нафарига 70 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. 8 нафар ёшлар эса хўжалик ҳисобидан ўқитилмоқда. Уларга ҳар ой 1478 сўм стипендия тўланаяпти. Бундай ғамхўрликдан мактаб талабалари ҳам четда қолаётгани йўқ. Хўжалик ҳудудидаги 2 мактабнинг 30 ўқувчисига ойига 30 сўмдан стипендия бериб бориш йўлга қўйилди. Мавсумий ишлар қизғин тус олган паллада ишчиларни бепул овқатлантириш учун 30 минг сўм маблағ сарфланди.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Лекин бошланғич синф ўқувчиларининг бепул нонуштасини ташкил этишда эътиборсизликка йўл қўйилаётгани кўнгилни хира қилади. Хўжалик район умумий овқатланиш корхонасига пул ўтказиш билан қифояланиб қолаяпти. Озиқ-овқат таъминоти ёмон. Чунончи, Н. Жамолов номидаги мактаб ошхонасида ёғ, ошқовоқ, ундан бошқа нарса йўқлиги маълум бўлди. Бу ерда 468 ўғил-қиз таълим олади. Бир йўла 150 ўқувчи овқатланадиган ошхонада 49 коса, 30 қошиқ борлигини қаноатли ҳол деб бўладими? Сут, тухум, картошка мунтазам етказиб берилмайди.

Хўжалик фаолиятига мустақиллик берилганлиги меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш соҳасида янги имкониятлар очаяпти. Белгиланган режа топшириқлари ошиғи билан бажарилаётир. Хўжалик бултур ишлаб чиқаришдан 9,2 миллион сўм даромад олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 25 миллион сўмга етиши мўлжалланмоқда. Рентабеллик, моддий манфаатдорлик даражаси юқори. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ишчиларнинг ойлик маоши 400 сўмдан ошади.

Президент фармонларининг ижросини таъминлаш муҳим ижтимоий-сиёсий вазифадир. Бунинг маъносини ҳар бир киши, ҳар бир раҳбар чуқур англаб олиши, давр ўртага қўйган талабларни рўёбга чиқариш йўлида фаоллик кўрсатмоғи лозим. Шунга эришиш керакки, иқтисодий танглик кучайган ҳозирги шароитда қишлоқ меҳнаткашлари алоҳида ғамхўрлик оғушида бўлсин. Уларнинг шахсий намунаси, кураш ва интилиши дастурхонимиз тўкинлигини таъминловчи асосий омил эканлигини унутмайлик.

Ж. ЮСУПОВ.

ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

НОВАТОР ТАКЛИФИ

«Андижонгидромаш» бирлашмасида яроқсиз деталлар ишлаб чиқариш кескин камайди. Деталларни қоплашнинг маҳаллий новатор И. Солиев таклиф этган янги усули корхонага ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашда ёрдам берди.

Ҳозир вилоятда рационализаторлар ва новаторлар ҳаракати яна кучайди. Бу ерда ишлаб чиқаришни янгиламай туриб, илғор технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор шароитида муқим ишлаш мумкин эмаслигини яхши тушунишади. «Андижанирстрой» трестида жорий этилган рационализаторлик таклифларининг иқтисодий самараси ярим миллион сўм, деб тахмин қилинмоқда. Трестда ўнлаб тонна цемент, металл, дизель ёнилғи тежаб қолинди. «Андижанэлектросеть» корхонасида эса рационализаторлар бир йилда бир миллион киловатт-соат электр қувватини тежашга ёрдам бердилар.

Хўжалик ҳисоби новаторлар учун янги имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг вилояти бўлими ҳузурида юздан ортиқ мувақкат ижодкор жамоалар тузилди.

«ТЕРМИЗ» БИРЖАСИДА САВДО

Сурхондарёдаги «Термиз» универсал маҳсулот — ҳом ашё биржасида дастлабки савдо бўлди.

Унда Душанбе, Тошкент, Фарғона, Екатеринбург, Воронеж шаҳарларининг, Туркия ва Афғонистондаги бир қанча фирмаларнинг вакиллари, шунингдек сурхондарёликларнинг ўзлари иштирок этдилар. Хилма-хил моллар, шу жумладан бинокорлик материаллари, тикувчилик буюмлари, радиоаппаратлар, турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдога чиқариб қўйилди.

Дастлабки савдода жами 20 миллион сўмлик юздан ортиқ битим тузилди. Эндиликда ҳар ҳафтада икки марта мунтазам савдо бўлади.

(ЎзТАГ).

НОМЗОД МАЪҚУЛЛАНДИ

Яқинда ўз сафига 3,2 миллион аъзони бирлаштирувчи энг йирик тармоқ касаба уюшмаси — Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг III пленуми бўлиб ўтди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика агросаноат комплекси меҳнаткашларининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномалари (битимлари) имкониятларидан кенг фойдаланиш — муҳокамага қўйилган асосий масала бўлди.

Шу йилнинг апрель ойида касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, дон маҳсулотлари вазирликлари, сув хўжалиги қурилиши Давлат қўмитаси, шунингдек, «Узплодоовощвинпром» ва «Узпишепром» концернлари билан ижтимоий ҳамда бошқа масалалар бўйича шартномалар тузган эди.

Пленумда шу шартномаларнинг 9 ой давомида бажарилиш натижалари кўриб чиқилди. Якуний натижалар 1992 йилнинг биринчи чорагида қайд этилган вазирликлар ҳайъати ва касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсатининг биргаликдаги мажлисларида кўриб чиқилади.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига И. А. Каримов номзодини бир овоздан маъқуллаб, агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси аъзоларини 29 декабрда бўладиган сайловларда унинг учун овоз беришга даъват қилдилар.

Ульянов районидаги «Қашқадарё» давлат хўжалигида ишбилармонлар ҳақида гап кетса, Жўрақул Жумаев номи биринчилар қатори тилга олинади. Унинг омилкорлиги, жонкуярлиги туфайли оила фермасидаги қорамоллар бош сони кўпаймоқда, маҳсулдорлик ортяпти. Фермер бу йил давлатга 104 тонна сут топширишга эришди.

СУРАТДА: қашқадарёлик ишбилармон Ж. Жумаев.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЎЛМАС ОТА НИЯТИ

Меҳнат фахрийси Ўлмасбой Рўзиматов «Москва» давлат хўжалигидан уч гектар ерни ижарага олди. У ўз ўғиллари билан бирга анорзор барпо этишга қарор қилди. Ҳозирнинг ўзида ернинг каттагина қисми кўчат ўтқазишга тайёрлаб қўйилди, кўчатлар ҳам етилиб қолган.

Тажрибали боғбон Ў. Рўзиматов анчадан бери анор етиштириш билан шуғулланади, унга жуда меҳр қўйган. Ўз боғида анорнинг энг яхши навларини ўстириб, ҳосилини териб олмоқда. Шу кунларда оиланинг йигирма сотихли томорқасида фақат анор парваришланмоқда. Ҳар йили бу боғда яхши ҳосил бўлади ва ҳар куз фасли Ўлмас ота кўпдан-кўп дўстлари, қариндош-уруғлари, қўшнилари билан ана шу ҳосилни баҳам кўради. Ортиқчасини эса бозорга олиб чиқиб сотади. Дарвоқе, худди ана шу нарса оила даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Ўлмас Рўзиматов парваришлаб етиштираётган анорлар ўзининг катталиги ва ниҳоятда мазалилиги билан ажралиб туради. Шу сабабли унинг анорлари қўлма-қўл бўлиб кетади.

Эндиликда боғбон катта боғ яратишни ўйлаб қолди. Бу боғ Ўлмас ота яшаётган хўжаликдаги барча аҳолининг кунига ярайди. Поп районидаги бошқа баъзи жамоа ва давлат хўжаликларида буни эшитиб, шундай иш қилишга қарор қилдилар. Қўшнилар Ўлмас Рўзиматов ҳузурига тажриба ўрганганга ва кўчат олгани келиб туришади. Улар Ўлмас ота ҳеч қачон рад жавоби бермаслигини яхши билишади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

• Акс-садо

БОБОДЕҲҚОНГА ҲУРМАТ ШУМИ?

«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг 228-сонида куюнчаклик билан ёзилган «Чойхона қандай бўлмоғи керак?» мақоласини ўқиб, дилимда анчадан бери тугиб юрган фикрларим жунбушга келди. Дарвоқе, биз қандай замонда яшаяпмиз? Миллий анъаналаримиз, инсоний қадриятларимиз топталди. Ҳайрият, республика мустақиллигини қўлга киритди. Урф-одатларимиз, анъана ва миллий ўзига хослигимиз тикланмоқда.

Чойхона ҳақиқатан ўзбекнинг ўзига хослигини белгиловчи даргоҳ-лардан биридир. Ўзга юртдан келган хорижлик ўзбекнинг кимлигини, аввало унинг чойхонасига кириб билади. Бир сўз билан айтганда, чойхона — бу тантилик, қўли очиқлик, хотамлик, маъмурлик маскани. Лекин уни қуруқ гап-гаштакхонага айлантириб юбормаслик керак. У намунали, тартибли, маълум маънода тарбиявий маърифатхона бўлмоғи лозим.

Хўш, хориждан келган қайсидир меҳмон чойхоналаримизга кириб хурсанд бўлиб, кўнгли кўтарилиб чиқяптими? Таассуфки, йўқ. Сабаблари маълум. Тошкентдек шаҳри азимда чойхоналар кўп, лекин аксариятининг аҳволи ўзимизга маълум-ку.

Мана, Бешёғоч деҳқон бозоридаги чойхонани олиб кўринг. Унга саксон ёшдан ошиб мункиллаб қолган Шоди бобо мутасаддилик қилади. У кишини асло айбламоқчи эмасмиз. Аксинча, у кишига раҳмат, шу ёшда ҳам белни маҳкам боғлаб, чойхўрларнинг дуосини олиб юрганлардан.

Энди ушбу чойхонадаги аҳволга разм солинг: дарз кетган, кир-чир беш-ўнта пиёла, қопқоғи учган, жумраги чегаланган, ичини қурум босган чойхона мулки эканини билдирувчи, ярим қизил ёки кўк бўёққа бўялган стаканлар, дошқозондай катта бакда сув қайнаб турибди.

Шундай катта ва гавжум бозордаги чойхона тор, ифлос. Стол тозаловчи, супуриб-артувчи, чойнак-пиёла йиғиштирувчи «хизматкор»ларнинг аҳволини айтмайсизми? Бечора деҳқон немашаққат билан қовун-тарвуз экиб, минг машаққат чекиб бозорга олиб келади. Лекин у қовун ёки тарвузини чойхонага кириб ейишга ҳаққи йўқ. Нимага десангиз, чойхонада қовун-тарвуз сўйиб тановул қилиш ман этилган. Хўш, нега бундай? Ғалати қоидани ким жорий этган? Шаҳар Кенгашими ёки бозоркомми? Бободеҳқонга ҳурмат шунчаликми?

Энди ўзингиз айтинг, бундай жойларга хорижлик бой, фермер ёки маданиятли бир одам билан ташриф буюриб бўладими? Очиғи, уятга қоласиз.

Мен атиги битта чойхона тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилдим. Улар қишлоқларимизу шаҳарларимизда озмунча эмас. Рўзнома ғоят ўткир ва долзарб масалани кўтарибди. Дарҳақиқат, чойхоналаримиз қандай бўлиши, уларда қандай одамлар хизмат қилишлари керак? Ўйлайманки, рўзнома, саҳифаларида бу тўғрида ҳали мулоҳазалар давом этади, олимлар, меъморлар, муштарийлар ўзларининг фойдали фикрларини айтишар.

Э. ҲАЙДАРОВ,
«Саховат» журналининг бўлим муҳаррири.

РИЗҚ—РЎЗ САРЧАШМАСИ

ОЗУҚА—ЧОРВАЧИЛИК ПОЙДЕВОРИ

Аввалги қишлов даврида Фарғона, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг чорвадорлари озуқадан ниҳоятда қийналдилар. Тармоқни ривожлантириш, маҳсулдорлик омиллари ҳақида етарли қайғурилмаганлиги сабабли кўзланган натижаларга эришилмади. Энг ташвишлиси, сабоқлардан тегишли хулоса чиқарилмади: бу йилги чорва қишловига ҳам пухта тайёргарлик кўрилмади. Ўтган йилга нисбатан озуқа майдонлари кенгайтирилганлигига қарамай мўл ва сифатли емиш тайёрланмади. Аниқроғи, республика хўжаликларида режага нисбатан қарийб 360 минг тонна дағал хашак, 930 минг тонна пичан, 1,5 миллион тоннага яқин силос кам жамғарилди. Демак, тармоқ ходимлари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, озуқани тежаб-тергаб ишлатиш долзарб вазифадир.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли, Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли, Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли давлат хўжаликларида емишдан самарали фойдаланишга бағишлаб ўтказилган республика кўргазмали семинар-кенгашининг аҳамияти беқиёсдир. Асосий мақсад хўжаликлардаги озуқа цехларида дағал хашак, ширали емиш ва ҳоказоларни илмий асосланган «нормалар асосида аралаштириб тўйимли озуқа тайёрлаш, шу йўл билан емишнинг фойдали коэффициентини ошириш ҳисобига камроқ озуқа сарфлаб кўпроқ маҳсулот олишга эришишдир.

Хўжаликларда турли хилдаги цехлар, ошхоналар мавжуд. Масалан, Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигида ўш усулида қурилган «Аполон» озуқа цехи, Қосим Раҳимов номли хўжаликда КОРК-15, ИСК-3 емиш майдалагич, Султон Сегизбоев номли совхозда «Кормолиния» туридаги цех ишлаб турибди. Семинар иштирокчилари бу ердаги жараёнлар билан атрофлича танишдилар. Озуқани буғлаб берадиган, атала, сунъий сут тайёрлайдиган агрегатлар ишини кўздан кечирдилар. Жамғарилган озуқа устини арзон ва қулай бўлган қамиш билан ёпиш технологиясини ўзлаштирдилар.

Кузатишлар кўпгина колхоз ва совхозларда не-не қийинчиликлар эвазига жамғарилган емишнинг муайян қисми исроф бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Агар юқорида қайд этилган усуллардан унумли фойдаланилса, бир тонна озуқадан ўрта ҳисобда 200 килограммини иқтисод қилиш мумкин. Одатда майдаланмай уйилган пичан ғарамининг қор-ёмғир таъсирида 15—20, бетонланмаган силоснинг 20—25 фоизи нобуд бўлади. Бунинг олдини олиш учун ғарамлар қамиш, брезент, плёнкалар билан ёпиб қўйилиши керак.

Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликда ем-хашак учун ҳовлилар бор. Емишни шу ерда сақлаш, хандақлар атрофидаги қор-ёмғир сувларини чиқариб ташлаш, ёнғинга қарши кураш чораларини кўриш жуда муҳим. Қиш ойларида озуқа цехлари тўла унум билан ишлатилиши лозим. Бунинг учун махсус ишчилар керак. Улар транспорт воситалари билан албатта таъминланадилар. Ойлик маошлари 500—600 сўм атрофида бўлиши лозим.

Мақсадга эришишнинг яна бир йўли емишни қайта ишлашдир. У маромига ет казиб молларга берилса, нишхўрд чиқмайди, ҳазм бўлиши 6—8 фоизга ортади. Бу борада Фарғона, Наманган, Тошкент, Андижон, Бухоро вилоятларининг кўпгина хўжаликларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозда эса сомон, силос, беда пичани, лавлаги, ем аралаштирилиб кунига 45 тонна атрофида тўйимли емиш тайёрланаяпти. Хўжаликдаги замонавий технология асосида қурилган цехнинг ишлаши кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Хўжаликларда ИСК-3, Волгарь-5 каби озуқа майдалайдиган агрегатлар мавжуд. Гап улардан унумли фойдаланишда қолган. Аталанинг ҳам аҳамияти беқиёс. У маҳсулдорликни кескин оширади. 10—15 литр атала ичган говмишнинг сути бир кунда 1,5 литргача кўпаяди. Тўйимли емиш қуйидагича тайёрланади: 1000 литр сув ҳисобига 100—120 килограмм майдаланган ғалла дони, 150 килограммгача дони олинган маккажўхори сўтаси, 4—5 килограмм ош тузи, эҳтиёжга қараб кальцийли, фосфорли тузлар, микроэлементлар қўшилади. Қайнагандан кейин икки соат давомида пиширилади ва ҳарорати пасайтирилиб 30 даражага туширилгач, молларга тарқатилади. Аталани бир кун аввал тайёрлаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Моллар совуқ биноларда сақланмаслиги керак. Агар говмиш ҳарорат 6—8 даражадан паст бўлган хонада асралса, 1,2—1,5 килограмм сут етиштириш тенг бўлган қувват сарфлайди. Баъзи хўжаликларда чорва моллари тиззасигача балчиқда туради, ётиши учун қуруқ жой йўқ. Бу ҳам маҳсулдорликни камайтиради.

Бир қатор чорвадорлар сигирни кунига икки марта озиқлантириш кифоя, деган фикрдалар. Бунга қўшилиб бўлмайди. Равшанки, моллардаги шартли рефлексга асосан улар емиш оз бўлса, нишхўрд қолдирмай бор озуқани ейдилар. Шу боис ёш бузоқларга кунига 4—5 марта, бўрдоқиларга 3—4 марта озуқа бериш, икки-уч марта суғориш энг тўғри йўл. Қишлов даврида жониворларнинг турли моддаларга бўлган талаби ортади. Катта ёшдаги қорамолга кунига 100 грамм ош тузи, 70 грамм фосфор, 80 грамм кальций минерал тузларидан бериб туриш керак. Агар бу моддалар рационда етишмаса, озуқа тўла ҳазм бўлмайди.

Фермаларда сақланаётган емиш қатъий ҳисоб-китоб қилиб борилади. Ҳар бир ғарам, хандақлардаги силос, омборлардаги ем паспортизациядан ўтказилиб, уларни яхши сақлаш, исроф қилмаслик чоралари кўрилади. Шубҳасиз, инсон омилини унутмаслик керак. Тармоқ ходимлари махсус кийим-кечак, иссиқ овқат билан таъминланишлари зарур. Буларнинг ҳаммаси қишли-қировли кунларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг бир қисмидир.

А. ИСМОИЛОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Қува районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги чорвадорлари қишловни беталофат ўтказиш учун қўшимча имкониятларни ишга солмоқдалар. Ўзаро мусобақада тажрибали сигир соғувчилар Аширхон Исроилова билан Муқаддас Қодирова (суратда) пешқадамлик қилишяпти. Улар қарамоғларидаги 20 бош говмишнинг ҳар биридан кунига 10 литрдан ошириб маҳсулот олишяпти.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

Ханифахон Ворисова ёшлар мураббийси. 12 йиллик меҳнат фаолияти давомида уч нафар лаёқатли шогирд тайёрлади. Айни кунларда улар билан басма-басига ишламоқда. Соҳа жонкуяри меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган ибратли ташаббуслар билан майдонга чиқмоқда. Шу боис бой тажрибалари кенг оммалашмоқда.

А. ЮСУФБОЕВ олган сурат.

АХБОРОТ

ШОИР ХОТИРАСИ

Қўқондаги Ҳамза номли мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Асқарали Ҳамроалиев (Чархий) таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Кеча қатнашчилари шоир қабрини зиёрат қилишди. Адибнинг даврдошлари, шогирдлари, ҳамсуҳбатлари ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар. Чархий қаламига мансуб шеър ва ғазаллар асосида яратилган қўшиқлар янгради.

Шоир хотирасини абадийлаштириш мақсадида илгари шаҳардаги кўчалардан бирига ва кинотеатрга унинг номи берилган эди. Энди Қўқондаги 26 Боку комиссари номли 10-ўрта мактаб ҳам Чархий номи билан аталадиган бўлди.

ФАРҒОНА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Фарғона вилоят телевидениеси ўзининг дастлабки кўрсатувини телетомошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Телестудия ҳафтада бир марта бир соатлик кўрсатув олиб боради. Бу кўрсатувларда вилоят фуқаролари ҳаётини кенг ёритиш, уларнинг иш тажрибалари, бозор иқтисодиёти шароитидаги муаммоларига алоҳида ўрин бериш мақсад қилиб олинган. Шунингдек, маърифатли кишилар, машҳур санъаткорлар ҳаёти, ўтмиш тарихимиз, вилоятда етишиб чиққан шоир ва ёзувчилар билан очиқ мулоқотлар уюштириш ҳам кўзда тутилган.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Шу йилнинг 21 декабрь куни самарқандликлар ва бу қадимий шаҳарга ташриф буюрган меҳмонлар учун узоқ вақт эсдан чиқмайдиган бўлди. Шу куни шаҳардаги опера ва балет санъат кошонасида халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсатининг қарори билан «Бибихоним» хотин-қизлар хайрия тадбири ўтказилди.

Самарқанд вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси томонидан уюштирилган мазкур тадбир ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда кам таъминланган серфарзанд оилаларни, қаровчиси бўлмаган аёллар ва ота-онасиз гўдакларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўтказилди.

АДМАЛО ПАТАМНИ

ҲАМДЎСТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАР

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер шанба куни самолётда Брюсселдан Вашингтонга кета туриб, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали суҳбатлашди. Қозоғистон раҳбари АҚШ давлат котибига Олмаота учрашувининг натижалари тўғрисида ахборот берди. Уларнинг суҳбатидан сўнг Ж. Бейкерга ҳамроҳлик қилаётган маъмуриятнинг номаълум, нотишни истамаган юқори мансабли вакилларидан бири журналистларга: «Биз жуда мамнунмиз», деди.

Ж. Бейкер шу заҳотиёқ АҚШ Президенти билан алоқа боғлади ва ўзининг Н. Назарбоев билан қилган суҳбатини унга баён қилди.

АҚШ маъмурияти мустақил республикалар бошлиқларининг Олмаотадаги учрашуви якунларига ишонч билан қараётганини айтди ва улар Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисида битимга эришганликларини табриклади. «Биз битим барқарор ва тинч муҳитни яратишда ёрдам беришга ҳамда айрим республикалар демократия ва бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ислоҳотлари йўлидан боришларига имкон беришига умид қиламиз», — деди Оқ уй матбуот котибининг ўринбосари Жуди Смит журналистларга.

Жуди Смит хоним Америка Қўшма Штатлари Совет Иттифоқи ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатлар билан «қалин муносабатларни ривожлантириш ниятида эканини» таъкидлади. «Қўшма Штатлар ислоҳотларни амалга ошириш учун интилаётган республикаларга ёрдам беришга тайёр ва кейинги ҳафталар ҳамда ойларда улар билан қалин ҳамкорликка умид боғламоқда», — деб таъкидлади маъмурият вакиласи.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ конгрессининг энг обрўли аъзоларидан бири, Қуролли кучлар ишлари сенат комитетининг раиси Сэм Нанн собиқ СССРнинг ўн бир республикаси раҳбарларининг Олмаотадаги учрашуви якунлари тўғрисидаги хабарни «яхши хабар бўлди» деб айтди. «Назаримда, улар тўғри қадам ташлашяпти», — деди у Си-Эн-Эн телекомпаниясининг шанба кунидаги кўрсатувида сўзга чиқиб.

Кўрсатувда у билан бирга америкалик таниқли сиёсатшунос, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ ёрдамчиси Збигнев Бжезинский ҳам қатнашди. «Миқёси жиҳатидан тарихий ва яхши ҳодиса рўй берди, — деди у. — Совет Иттифоқининг тугатилиши яхши бўлди, чунки бу Совет Иттифоқида фикрлар хилма-хиллиги ҳеч бўлмаганда миллий асосда ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланаётганини билдиради... Бу Совет Иттифоқида демократиялаш жараёнининг марказ тасарруфидан чиқиш борасидаги зарур пировард йўл ҳисобланади, мен пировард сўзини алоҳида таъкидлаяпман, бу нарса у ердаги иқтисодиётни охир оқибатда соғломлаштириш учун ҳам зарурдир. Марказ тасарруфидан чиқмай туриб, у ҳам, бу ҳам бўлмайди. Шундай қилиб, бу жуда яхши ва жуда ижобий воқеадир».

ТОКИО. Япония Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилганини, шунингдек у ўзининг озодлик, демократия ва бозор иқтисодиётига тарафдор эканлигини маълум қилганини ҳисобга олиб, унинг тузилишини табриклайди, деди ташқи ишлар вазири Митио Ватанабэ.

Япония ҳукумати, деди у, СССР демократия, тинч йўл билан Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига ўтишига ва янги ҳамдўстлик халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик муносабатлари ўрната олишига умид билдиради. Биз Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги собиқ СССР хорижий давлатлар, жумладан, Япония билан тузган барча шартномаларга риоя этишига ҳам умид қилаяпмиз.

(ТАСС).

БАРЧАНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН САВОЛ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ маъмурияти БМТ Хавфсизлик кенгашида собиқ Совет Иттифоқи ўрнини Россияга бериш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлайди. Оқ уйнинг ўз номини айтмасликни илтимос қилган юқори мансабли вакили, АП ахборот бошқармаси мухбири билан суҳбатда шундай деди: «Биз шу йўлдан олға силжияпмиз», — таъкидлади у ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг жуда муҳим мазкур идорасида СССРга тегишли ўринни Германия ёки Япония, ёҳуд учинчи дунёнинг бошқа бир мамлакати эгаллаши мумкин, деган фикрларни рад этди. Америка Қўшма Штатларининг БМТ Хавфсизлик кенгашига нисбатан сиёсати шундан иборатки, бу идора тузилмалари аввалгидек қолиши лозим, деб таъкидлади Америка маъмуриятининг вакили. Биз, деди у, Совет Иттифоқи парчаланиши натижасида Хавфсизлик кенгашида парокандалик бўлишини хоҳламаймиз. Неча ўн йилликлар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасида ёндошувларга нисбатан келишмовчиликлар натижасида самарасиз бўлиб келди, деди Оқ уй вакили. Бироқ, «совуқ уруш» даври тугаганидан сўнг сиёсий нуқтаи назарлар бир-бири билан яқинлашди ва бу ҳалқаро ташкилот чинакамига ишлай бошлади. Бунга, деди у, Хавфсизлик кенгаши аъзоларининг Форс кўрфазидаги тангликка нисбатан ёндашувдаги якдиллиги мисол бўлиши мумкин. Унинг сўзларига қараганда, худди шу сабабли, маъмурият Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мазкур идорасининг таркиби ўзгаришини ёки янги аъзолар қабул қилиш натижасида кенгайишини хоҳламайди. Ҳозирги вақтда СССР ўрнига Россия ўз-ўзидан ўтишига кафолат бериш мумкин эмас, деб таъкидлади Оқ уй расмий вакили. Шу вақтгача БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо бўлган мамлакат ўз-ўзидан йўқ бўлгани сингари воқеа содир бўлмаганди.

ДИН АРБОБИНИНГ ДАЪВАТИ

РИМ. Шарқий Европада даҳрий коммунизм ва иқтисодий жамоатчиликнинг инқирозга юз тутиши ўзида эркин бозорни ҳамда унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро ёрдам муносабатларини тарқибан уйғунлаштира оладиган, шунингдек одамларнинг христиан динига эътиқодини тиклай оладиган янги жамият барпо этишни тақозо қилмоқда. Рим католик черковининг бошлиғи Иоанн Павел II бугун Ватикан қуриясида анъанавий Рождество байрами муносабати билан сўзга чиқиб, шу гапларни айтди. Муқаддас тахт соҳиби бу байрамдан, одатда, черков ички ҳаётига нисбатан ўз нуқтаи назарини билдириш учун фойдаланади. Рим папасининг мурожаати унинг келаси йил бошида дипломатик корпус ҳузурида сўзлайдиган нутқи билан биргаликда жаҳондаги ишлар аҳволининг йиллик таҳлилига асос қилиб олинади ҳамда католик черков фаолиятининг янгича шарт-шароитга мослаштирилган Ватикан йўлини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

ГФРда «танк можароси» билан боғлиқ жанжал авжга чиқмоқда. Маълум бўлишича, мамлакат федерал разведка идораси собиқ ГДР халқ армиясига тегишли совет танкларидан бир қисмини махфий равишда Исроилга жўнатишга ҳаракат қилган. Шу муносабат билан бошқа кўпгина ИМИ-жимида қилинаётган ножўя ишлар ҳам ошкор бўлиб, ГФР Мудофаа вазирлигининг юксак мартабали бир қанча амалдорлари ноқулай аҳволда қолишди.

СУРАТДА: Гамбург бандаргоҳида миршаблар яширин тарзда Исроилнинг «Моссад» махфий хизмат идорасига жўнатилиши керак бўлган танкларни кўриқламоқда. Танклар қишлоқ хўжалик техникаси ниқоби остида брезент билан ёпиб қўйилган.

ДПН—ТАСС олган сурат.

СЎНГГИ СОАТДА

ТЕҲРОН. Эрон Россияни, собиқ Совет Иттифоқининг бошқа республикаларини, биринчи навбатда мусулмон жумҳуриятларини танишга қарор қилди. ИРНА ахборот бошқармаси Эрон ислом жумҳуриятининг биринчи вице-президенти Ҳасан Ҳабибий айтган гапларга таяниб шуни маълум қилди. «Эрон ислом жумҳурияти билан Россия Федерацияси нормал дипломатик муносабатлар ўрнатади ва Эрон билан СССР тузган барча битимларга риоя қилади», деб таъкидлади у. Эроннинг Москвадаги элчихонаси Эрон ислом жумҳуриятининг Россиядаги элчихонаси сифатида ўз ишларини давом эттиради, деди Ҳ. Ҳабибий. Бокудаги консулхона Озарбайжондаги элчихонага айлантирилади. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистон пойтахтларида Эроннинг дипломатик ваколатхоналари очилади.

БМТ. **«Биз Россия Президенти Борис Ельцининг БМТ Бош котиби номига юборишимиз мумкин бўлган хатини кутяпмиз. Бу хатда Олмаотада эришилган ҳалқлашувлар, Россия БМТда СССР аъзолигини давом эттириш (бунга Хавфсизлик кенгашидаги доимий аъзолик ҳам киради) ҳақида халқаро ҳамжамиятга расмий хабар берилиши керак», — деди журналистларга Франциянинг юқори мансабли дипломати. У номи айтилмаган тақдирдагина саволларга жавоб беришини айтди. Шундай хат олиниши билан ноқ мазкур масала БМТда ҳал этила бошлайди. Ўшанда «ҳамма нарса силлиқ ўтади» деб таъкидлади дипломат.**

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш душанба куни мамлакатга рождество байрами муносабати билан мурожаат қилди. У 1991 йилнинг баъзи якунларини чиқарди. Оқ уй бошлиғи АҚШ бошчилигидаги кўп миллатли уюшма кучларининг Ироқ устидан қозонган ғалабасини ва Кувайтнинг халос этилишини эслаб ўтди. «Лекин бу хотирамизда қоладиган йилнинг бошланиши эди холос», — деб таъкидлади у. «Ўн икки ой аввал биз биладиган Совет Иттифоқи энди бўлмаслигини ким хаёлига келтириши мумкин эди, — деди Ж. Буш. Араблар ва исроилликлар Яқин Шарқда чинакам тинчлик ўрнатиш йўлларини муҳокама қила бошлашларини ким хаёлига келтирган эди? Демократия ва озодлик бутун сайёрамизда шу қадар тез тарқалишини ўз кўзимиз билан кўра олишимиз мумкинлигини ким ҳам ўйлаб кўрибди дейсиз? 1991 йилда «иложи бўлмаган ишларнинг ҳаммаси тарихга айланди», деб таъкидлади АҚШ Президенти ва америкаликларни ўз кучларига ишонч билан қараб, иқтисодий тушкунлик бошланган оғир дамларни бартараф этишга ҳамда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун асос яратишга чақирди.

ПАРИЖ. «Франция собиқ СССР таркибидаги ўн бир мустақил Республика Президентларининг Олмаота учрашуви якунларини табриклайди», — деди мамлакат Ташқи ишлар вазири Ролан Дюма Франциянинг ТФ-1 телекомпанияси мухбири билан суҳбатда. СССР.нинг парчаланиши туфайли келиб чиққан тартибсизликдан ҳали бўлинадиганга ўхшайди: муайян ташкилот — Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги пайдо бўлмоқда, деб таъкидлади у. Айни вақтда «собиқ СССРдаги вазият кўнгилдагидек — тинч йўналишда ривожланмоқда», деб уқтирди.

ПРЕТОРИЯ. ЖАР Ташқи ишлар вазири Рулоф Бота Преторияда Жанубий Африка ҳукумати Россия Федерацияси мустақиллигини, шунингдек Президент Борис Ельцин ҳукуматини танишга қарор берганлигини маълум қилди. Ҳозир икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар даражаси муҳокама қилинмоқда. Тегишли аҳдлашувларга эришилиши биланоқ мазкур масала юзасидан хабар қилинади, деди Р. Бота.

ГААГА. Бу ярим йилликда Европа ҳамжамияти органларида раислик қилаётган Нидерландия ҳукумати Олмаотадаги учрашув чоғида эришилган аҳдлашувларни мамнуният билан кутиб олди, шунингдек Совет Иттифоқининг саккиз республикаси Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига киришга қарор берганини табриклайди. Нидерландия Ташқи ишлар вазирлиги якшанба куни берган баёнотида шулар айтилган. Нидерландия Европа ҳамжамиятининг раиси сифатида, деб таъкидланади баёнотда, ҳамжамият ва унинг ҳамма аъзолари «Мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлигига кирган барча мустақил республикалар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишни хоҳлаётганига» асосланади.

(ТАСС).

ШАРҚ ТАБОБАТИГА ТАЯНИБ

Соғлом халқнинг имони бутун

Турум Мўминовнинг касби — шифокорлик, олий маълумотли жарроҳ. Меҳнат фаолиятини Қарши медицина билим юртини тугатгач, она қишлоғи — Ҳазарбоғда оддий фельдшерликдан бошлаган. Уч-тўрт йил ишлагач, Самарқанд медицина олийгоҳига ўқишга кириб, уни битиргач, яна қишлоғига қайтди. Меҳнаткашларга тиббий хизмат кўрсатиб, кўпнинг дуосини олди. Хўжалик марказидаги касалхонада жарроҳлик бўлимини очган ҳам Турумбой. Қўшни «Ғалаба» жамоа хўжалиги касалхонасида бош врач, сўнгра шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғининг муовини вазифаларида ишлагач, яна... От айланиб қозиғини топади, деганларидек, бир гал қишлоққа келганида хўжалик директори Менгқобил Норқобилов кўлидан етаклаб, кабинетига бошлади.

— Биродар, кўпдан сенга бир фикрни айтмоқчи эдим, — деди Менгқобил ака. — Қишлоқдошлар отангиз полвон ўтганини, элнинг оқсоқоли бўлганлигини яхши билишади. Сиз ана шундай зотнинг зуриёдисиз. Қобилиятингизни ортиқча таърифламоқчи эмасман, нимага эришаётган бўлсангиз, меҳнатингиз туфайли. Биздан халқимизга фақат яхши ишлар қолиши керак. «Ҳазарбоғ»да санаторий очсак, элимиз ундан бахраманд бўлса, деган фикрдаман. Санаторий қурилиб, ишга тушса, аввало ҳамқишлоқларимиз, сўнгра деновликлар, қолаверса, вилоятимиз меҳнатчилари дам олиб, соғлиқларини тикласа, бундан савоб иш борми?

— Жуда тўғри ўйлабсиз, — дея кўзлари чақнаб кетди Турумбойнинг. — Ахир қишлоқдошларимиз қачонгача оғир меҳнат қилишади. Меҳнатга яраша дам олиш ҳам керак-ку. Қачон улар рўзғор, бола-чақадан ортиб, эшикдан ҳатлаб ташқарига чиқади-ю, олис шаҳардаги санаторийга боришади. Дам олиб келишнинг ўзи бўлармиди, бунинг учун фалон сўм маблағ қаерда дейсиз. Сиз маъқулласангиз бас, мен енг шимариб, ишга киришганим бўлсин.

...Бу воқеага ҳам бир неча йил бўлди. Ҳозир вилоятда ажойиб санаторий фаолият кўрсатмоқда. Турум Мўминов эса оромгоҳга бош врач бўлиб ишга ўтди. Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ихтиёрига ўтказилган шифохонада бир йилда 1200 киши ётиб, 2 минг киши қатнаб даволанаётир. Бу ерда бўғинларга туз тўпланиш, ошқозон-ичак, жигар, ўт йўли, юрак, нафас йўли, буйрак хасталикларини даволашда барча имкониятлар мавжуд. Айниқса, қиш фаслида хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар учун Денов туманида ташкил этилган ўн кунлик малака ошириш чоғида бир йўла бу ерда дам олишиб даволанадилар. Бошқа пайтларда эса вилоятнинг барча туманларидан деҳқонлар, чорвадорлар йўлланма билан келишиб, соғлиқларини мустаҳкамлашаётир.

— Биз шифокорлар учун бебаҳо бойлик инсон саломатлигидир, — дейди Турум Мўминов. — Шифохонамизга келаётганларни кимёвий дорилар ўрнига табиат эҳсонлари ёрдамида даволашни мақсад қилиб қўйганмиз. Мутафаккир устозимиз Абу Али ибн Сино тиббиёт илми хусусида ёзганларида «менинг келажак авлодим соғлом ўсиши учун бия сутидан тайёрланган қимиздан тўйиб ичиши керак» деган эканлар. Шу мақсадда биз меҳнаткаш инсон соғлиғини тиклашда қимиздан фойдаланяпмиз. Вилоятимиздаги йилқичилик хўжалиги бизнинг жуда йироқда, Бойсун туманининг Дарбанд қишлоғида жойлашган. Шунинг учун даволанувчиларни мунтазам қимиз билан таъминлашда баъзан қийналамиз. Аммо ҳар қандай оғир шароит бўлмасин машҳур Ессентуки-4, Ессентуки-17, Железноводскдаги «Словянск», Кисловодскдаги «Нарзан» минерал сувларини, Труцковець шаҳридан шифобахш зикритни ташиб келтирамиз. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Масалан, Ессентуки шаҳрида сабзавот ва мева билан савдо қиладиган дўкон очганмиз. Унда қишин-ёзин она юртимизда етиштирилган мева ва сабзавот билан савдо қилинади. Бунинг ўрнига ҳамюртларимизга шифобахш сувлар ҳадя этаётирмиз.

Шифобахшликда беназир қимизга келсак, бунинг ҳам чораси топилибди. Ҳозир Денов туманида Турум Мўминовнинг ташаббуси билан вилоят санаторий ва профилакторий бошқармаси ташкил этилди. Бу «Фарҳод», «Навбаҳор» ва «Ҳазарбоғ»даги санаторийларни гўшт, сут, қимиз, минерал сув билан таъминлайди, улардаги барча қурилиш ишларини амалга оширади. Махсус кўчма колонна ташкил этилиб, унга Хайитали Чўтбоев бошчилик қилаётир. Кўчма колонна яқинда кичик ғишт заводини қуриб, ишга туширди, бу ерда дастлабки 200 минг ғишт пиширилди.

«Ҳазарбоғ» давлат хўжалигининг 5-бўлимидан бош қарма ҳисобидаги ёрдамчи хўжалик ихтиёрига 50 гектарча ер ажратилди. Бунга Туроб Шердуллаев етакчилик қилмоқда. Хўш, қисқа бир йилда ишбилармон шифокорлар нимага эришди, дейишингиз мумкин. Ҳозир яйловларда боқилаётган 50 бош биядан ёз давомида қимиз тайёрланиб, даволанишга келаётганларга бериб борилади. Уларни худди шу ерда етиштирилаётган сут ва гўшт билан таъминлашга эришилмоқда. Бир пайтлар хўжаликнинг товуқхонаси бўлган бинони ихтиёрларига олишиб, қайта жиҳозлашиб, ҳозир 10 бош хўкизни сўқимга боқишмоқда. Бундан ташқари 100 бош эчки боқилаяпти. 200 уя асаларидан дастлабки йилиёқ 2 тонна маҳсулот олишибди. Келгусида асалари уясини мингга етказиш мўлжалланмоқда. Бу маҳсулотларнинг бир қисмини сотиб, келаётган даромад ёрдамчи хўжаликни кенгайтиришга сарфланса, қолгани дам олишга ва даволанишга келаётганларга берилади. Беш гектар ерда иссиқхона қурилиб, лимонзор ташкил этилади. Ҳозир дастлабки 15 сотих ердаги лимонзорда 125 туп кўчат баравж ўсаётир. Гагарин районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалигидан 20 гектар ер олишиб, пахта етиштирдилар, давлатга 50 тонна пахта топширишиб, юз минг сўмдан кўпроқ даромад қилишибди. Уч гектарлик ҳавзада ҳозир балиқ ўстирилаётир, келгусида ғоз ва ўрдакни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

— Бошқармамизга қарашли санаторийлар хўжалик ҳисобида, яъни ҳар бири ўзини маблағ билан таъминлаши керак, — дейди Турум Мўминов. — Бунга имконият бор. Бизга етарли миқдорда ер берилса бас, қолган ишларнинг уддасидан ўзимиз чиқамиз. Ҳозир ихтиёримиздаги 20 гектар суғориладиган ер жуда кам. Унинг беш гектарида пиёз етиштираяпмиз. Қолган қисмида экилаётган озуқабоп экинлар эҳтиёжни қопламайди. Бизга кўпроқ ер ажратилса, келгусида санаторийларимизда дам олувчилар кўпаяди, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ҳал этган бўламиз. Сурхондарё иқлим шароити, айниқса, минерал сувлари билан беқиёс воҳалардан бири ҳисобланади. Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғидан чиқаётган минерал сувнинг баҳоси йўқ. Худди шу ерда бир йилда минг-икки минг киши даволанадиган санаторий қуриш ниятидамиз. Ахир соғлом халқнинг имон-эътиқоди мустаҳкам, юрти обод бўлади.

Орамизда Турум Мўминов каби фидойи, ишбилармон ва тадбиркор йигитлар борлиги элнинг бахти. Қаранг, унинг фикри-зикри халқимизнинг соғлиғини муҳофаза этиш. «Илтимос, бизга кўпроқ ер ажратишларига ёрдам берсангизлар», дейди ҳар икки сўзнинг бирида. Ғайрати жўшган шифокор-ишбилармоннинг режалари эса бири иккинчисидан аъло. Улар шунчаки хом хаёл эмас, ҳаётий муаммолардир. Т. Мўминов сингари ишбилармонлар халқимизга кўпроқ наф келтирсин, десак, фурсатни бой бермай, уларга ёрдам қўлини чўзайлик.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Жиззах районидаги Оқ олтин қишлоқ Кенгаши ҳудудида яшовчи Тугал Ҳазратқуловлар оиласи яқинда яна бир фарзандга кўпайди. Эндиликда олтмиш ёшга қадам қўйган Т. Ҳазратқуловнинг 17 нафар фарзанди бор. Уларнинг тўққиз нафари ўғил, саккиз нафари қиз. Унинг 87 ёшга кирган отаси Аъзам бобо ва онаси Мунаввар момолар ҳамиша ширин-шакар неваралари қуршовида. Турмуш ўртоғи Шарвон опа бардам ва тетик. У ўз фарзандларининг камкўстини тўғрилаб, катта оиланинг рўзғорини тебратмоқда.

СУРАТДА: пиру-бадавлат Ҳазратқуловлар оиласи.

О. ҲАМЗАЕВ олган сурат.

ИККИ ҚУТБ, ИККИ ОЛАМ

Кишилар хаёлида Ернинг қутблари антиқа кўринишларда намоён бўлиб келган. Бу нуқталардаги об-ҳаво иқлими, жой тузилиши олимлар аҳлини банд қилиб, то XX аср бошларигача аниқ бир маълумотлар бўлмаган. Фақат 1909 йилга келиб америкалик тадқиқотчи Р. Пири қутбга илк марта қадам қўйган бўлса, норвегиялик олим Р. Амундсен 1911 йили декабрь ойида қийин машаққатлар эвазига етиб борган эди.

Шимолий ва Жанубий қутбларнинг бу икки заб-ткори ўз муддаоларига етиш учун итлар тортадиган чаналардан фойдаланишган. Ярим аср ўтгач эса «пўлат қушлар» қутблар узра мунтазам парвоз қила бошлади.

Шимолий қутбга олдинига совет сув ости кемалари, сўнгра музёрар кемалари ҳам йўл очди.

Қутблар сайёрамиздаги ўзига хос нуқталардир. Бу ерда ёруғ пайт энг узоқ бўлиб, 186 кунни ташкил этади. Тун эса 179 кундан иборат. Қутб нуқтасида турган одам учун кўп нарса одатдан ташқари туюлади. Чунончи қуёш чиқадиган, ботадиган томонлар йўқ, қуёш қутбда 186 кун ботмай туради. Худди шундай 179 тунгача офтоб кўринмай туради. Бундан ташқари қайси томонга қараманг, нигоҳингиз доимо экваторга йўналган бўлади. Яъни сиз тоғ чўққисида туриб, бутун ер юзига разм солаётганга ўхшайсиз.

Ернинг икки қутби ўртасида тафовутлар ҳам талайгина. Шимолий қутб муз қатлами қалинлиги 2000—3000 метр бўлса, Жанубий қутбда муз қатлами 4000 метргача боради. Бундан ташқари Шимолий қутб муз қатлами тагида океан жойлашган, Жанубий қутб муз қатлами тагида Антарктида қитъаси мавжуд. Шу сабаб Жанубий қутбнинг ёзи Шимолий қутбнинг қишидан совуқдир. Чунки Шимолий қутб муз қатлами тагидаги уммон сувлари ҳавони озми-кўпми илитади, Жанубий қутб муз қатлами эса қаттиқ тупроқ устига жойлашган.

Хуллас икки қутб—икки олам, десак муболаға эмас. Ернинг қутблари ҳали кўплаб жумбоқларни ўзларида мужассам қилган бўлиб, олимлар уларни ечиш борасида тинмай изланишмоқда.

Х. ҚОДИРОВ.

ҚАЙҚИ ЧЕВАРЛАРИ

Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қайқи қишлоғида жойлашган филиалида халқ истеъмоли моллари тайёрлашга катта эътибор бериляпти. Бу ерда 10 хил болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатилмоқда.

Корхонада 350 нафар тикувчи икки сменада меҳнат қилади. Ҳар сменада ўртача 900—930 та болларбоп кўйлаклар қўлдан чиқарилмоқда. Маҳбуба Дадамирзаева, Ҳалима Олимова, Маҳбуба Шамсиддинова, Орзихон Тожибоева, Карима Мавлонова каби чеварларнинг ғайрати туфайли 11 ойда режадагидан ортиқча 40 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Учқўрғон районида аҳоли зич жойлашган. Қишлоқларда анчагина ишсизлар бор. Бу муаммони ҳал этиш йўллари изланмоқда. Яқин келажакда Қайқи тикувчилик корхонасини кенгайтириш кўзда тутилган. Ана шунда бу ерда 1.500 нафар хотин-қиз меҳнат қиладиган бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3—4 баравар ошади, турлари кўпаяди.

И. РУСТАМОВ.

ФАХРИЙЛАР ШАҲАРЧАСИ

Андижон вилоятининг Бўз қўрғонида фахрийлар учун шинам шаҳарча қурилди. Энди Бўз районининг уруш ва меҳнат фахрийлари дам оладиган, бир пиёла чой устида турмуш ҳақида, янгиликлар ҳақида суҳбат қиладиган жой бор.

Шаҳарча хашар йўли билан қурилди, у кўнгилдагидек файзли ва шинам бўлиб чиқди. Шаҳарча Бўз қўрғонининг қоқ марказида, «Меҳр-мурувват хиёбони»да қад кўтарди.

Кўп йиллик дарахтлар қуюқ соя ташлаб турган, ариқлари лиммо-лим сув оқадиган ерда фахрийлар чойхонаси бунёд этилди. Унинг ёнгинасида ихтисослашган дўкон қад кўтарди. Оқсоқоллар, ногиронлар, собиқ афғончи жангчилар, муҳтож бўлиб қолган кўп болали оналар бу ерда арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж моллари сотиб олишлари мумкин.

Шаҳарчада пенсионерларнинг юбилейлари ўтказилади, ёшларнинг катта авлод вакиллари, машҳур чўлқуварлар билан учрашувлари бўлади.

К. НИЗОМОВ.

ҲИММАТ

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида 274 нафар ўн ва ундан ортиқ фарзандни ўстирган қаҳрамон оналар, 751 нафар ёлғиз аёллар бор. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси кўп болали ҳамда ёлғиз оналарга мадад бериш тадбирларини амалга ошираяпти. Шаҳарда «Серфарзанд» дўкони очилди. Шаҳар раҳбариятининг ҳиммати билан 300 нафар онага 90 минг сўмлик совға-салом тарқатилди. Мазкур дўкондан эса ҳар ойда 350 оила айрим кундалик эҳтиёж моллаларини бепул олади.

К. БАХТИЕРОВ.

Термиз хўжалик ҳисобидаги «Шарқ тиббиёти» шифохонаси иш бошлади. Унинг кўпчилик мутахассислари Намангандаги бош муассаса тайёрлов курсларида ўқиб қайтишди. Айни пайтда жамоа 138 хилдаги турли ўтлардан малҳам тайёрламоқда. Шу кунгача шифокорлар 2500 дан ортиқ беморни қабул қилиб, уларга гиёҳлар билан тиббий ёрдам кўрсатдилар.

СУРАТДА: шифокорлар Эсон Тошалиев ва Акром Ферматовлар доривор ўтлар йиғмоқда.

И. ХУЖАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ЎЗИ ОДДИЙ, КАСБИ ОЛИЙ

Гулчеҳра Султонова хотин-қизлар ичида биринчилардан бўлиб Нишон ноҳиясида электрчилик касбини танлаган. Ҳозирги кунда у Нишон пахта тозалаш заводида меҳнат қилаётганлигига ўн йилдан ошди.

— Кўпчилик бу эркаклар касби, дейишади, — таъкидлайди завод директори Ўринбосари Тоҳир Бадриддинов. — Лекин Гулчеҳра ўз касбига меҳр қўйганлигидан касбини пухта эгаллаб олган. Ҳозирги кунда у 100 дан ортиқ агрегатларга қарайди ва бирон сабаб билан тўхтаб қолганларини созлаб, тезда ишга тушириб юборади.

Гулчеҳра Султонова кўп болали она бўлиб, умр йўлдоши ҳам шу корхонада меҳнат қилади.

П. ЭРГАШЕВ.

ХОНАДОН ҚУВОНЧИ

Пахтаобод шаҳар ўрамидаги Охунбобоев номли маҳалланинг Муталибон Эшонов кўчасида яшовчи аҳоли ўтган йил кузида хонадонларига газ тушириб бериш юзасидан район газлаштириш идорасига мурожаат қилган эди. Идора маъмурияти бу талабни қондирди. Ноябрь ойидан бошлаб 60 та хонадонда табиий газ ёндириб берилди.

— Газ жоннинг роҳати экан. Ондан то сомсагача газ печида пиширяпмиз. Газлаштириш идораси бошлиғи Исмоилжон Набижонов, бош муҳандис Каримжон Бозоров ва барча ишчиларга мингдан-минг раҳмат,— дейди шу кўчада яшовчи меҳнат ногирони Араббой Парпиев аҳоли миннатдорчилигини ифодалаб.

Т. ҚУРБОНОВ.

САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕЙДИ

Бахтиёр тунги шарпага айланиб, гўшт дўкони олдига писиб келгач, олазарак бўлиб атрофни кўздан кечирди. Қоровул кўринмаганидан фойдаланиб, қўлидаги темир бўлаги билан қулфни бузиб ичкарига кирди. У каттароқ ўлжани кўзлаган эди, аммо дўкондан атиги 194 сўмгина пул чиқди. У пулни чўнтакка уриб аста жуфтакни рослаб қолди. Унинг назарида барча иш хамирдан қил суғургандек эди.

Эртаси куни у шаҳардаги юқумли касалликлар касалхонасида пайдо бўлди. Узнинг айтишича, у ерга даволанаётган қариндошини кўргани борган экан. Аммо бемор ётган палатада турган магнитофон унинг юрагига гулгула солиб қўйди. Бахтиёр шу куни кечқурун соат тўққизларда яна касалхонага келди. Палатада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, дераза орқали у ерга кириб, бемор У. Эгамбердиевга тегишли «Романтика-306» магнитофони ҳамда унинг тўққизта кассетасини олиб чиқиб кетди. Ўғирланган буюмни танишнинг уйига яшириб қўйди.

Аммо бузоқнинг югургани сомонхонагача, деган ган бор. Бировнинг мулкига кўз олайтирган Бахтиёр Юнусов ҳам ўғирланган буюмларни сотиб улгурмасданоқ қўлга олинди. У жиноят содир этди. Жиноятнинг эса катта-кичиги бўлмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам жавоб бериш, тегишли жазо олишга тўғри келади. Унинг ишини кўриб чиққан Қўрғонтепа район суди Бахтиёрни тўрт йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди.

— Агар бола тарбияси билан шуғулланишганда эди, бу жиноят содир бўлмасди, — дейди Қўрғонтепа район халқ судининг раиси Шавкатбек Зайдинов. — Аввало оиладаги муҳит яхши бўлмаган. Бахтиёрнинг онаси фарзандларини ташлаб бошқа районга турмушга чиқиб кетган. Натижада қаровсиз қолган болалар ўз тарзича ҳаёт кечиришга киришган. Уларни назорат қилиб турувчи, тартибга чақирувчи киши бўлмаган.

Оиладаги уч ўғилнинг каттаси Раҳимжон илгаригоқ жиноятчилик йўлига кириб кетган. У жазо муддатини ўтаб қайтганда онасининг укаларини ёлғиз ташлаб кетиб қолганнини эшитган-у қаттиқ таъсирланган. У шу куниёқ аламзадалик билан яна ўғирлик қилишга киришган. Аммо энди у укаси Бахтиёрни ҳам ўз йўлига тортган. Улар Раҳимжоннинг ўртоғига тегишли мотоциклни биргаликда ўғирлаб қочишган. Қўлга тушгач, акаси тўрт йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Бахтиёрга эса уч йил берилади. Бироқ унинг вояга етмаганлиги ҳисобга олиниб, унга енгиллик яратиш мақсадида жазо икки йилга мажбурий меҳнатга жалб этиш билан алмаштирилади. Бироқ, Бахтиёр суднинг бу одил ҳукмидан хулоса чиқариб олмади. Меҳнатга бўйин ёр бермай яна жиноятга қўл урди. Бу гал энди суд уни сийлаб ўтирмай, қонун бўйича иш тутди.

Хўш, бу жиноят содир этилмаслиги ва Бахтиёр қамалмаслиги мумкинмиди! Жуда мумкин эди. Фақат бу оила фарзандларига қариндош-уруғлари, қўни-қўшни ва маҳаллакўй бироз бўлса-да эътибор бериши лозим эди. Бир бола га еттн қўшни ота-оналик қилади, деган гап бор. Аммо бу фарзандлар учун ҳамма бегона бўлган. Агарда улар ёлғиз қолган ўсмирлардан меҳрқоқбатларини дариғ тутмаганларида, она ҳам фарзандларига нисбатан бунчалик бағритошлик қилмаганида Бахтиёрнинг бошига бу савдолар тушмаган бўларди. Унинг судида укаси Ихтиёрдан бўлак ҳеч ким иштирок этмаганлиги ҳам уларнинг тақдирига нақадар бефарқ қаралганидан дарак бериб турибди.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТИМСОҲЛАР ҲАМ ЧИДАШМАЯПТИ

АҚШнинг полиция маълумотларида тимсоҳларнинг автомобилларга ҳужум қилаётганлиги тўғрисидаги хабарлар тез-тез пайдо бўлмоқда. Бу Флорида штатида, айниқса кўп содир бўлмоқда. Жониворлар машиналарнинг камераларини тишлаб, тешиб юбораётир, автомобилларнинг қанотларига зарар етказмоқда.

Судралувчиларнинг бу қадар жунбушга тушишига сабаб шундаки, металлургия корхоналари чиқарган нефть қолдиқлари улар яшайдиган сув ҳавзаларини ифлослантириб юбормоқда. Натижада тимсоҳлар бошпаналарини ўзгартиришга мажбур бўлмоқдалар. Қуруқлик ҳам тоза эмас, ахлатлар, турли нарсаларнинг қолдиқлари, қоғозлар, темир-терсаклар, ойналар, баллонлар билан тўлиб-тошган.

ГАЛАТИ МАШИНА

Вақтнича Англияда истиқомат этувчи италиялик Климентe Мадзеранно 1845 йилда одатдагича бўлмаган локомотив яратди. Машина темир йўлда юрарди, уни транспортёрникига ўхшаш лента ҳаракатга келтирарди. Унинг устида эса ўз навбатида бир жуфт от «югурарди». Уларни машиначи қуварди.

СУВ ОСТИДА ЧАНГИДА ЮРИШ

Австриялик Герхард Цаунер кўп йиллардан буён сувости спортни бўйича мутахассис бўлиб ишлайди. У яқинда шундай бир қурилма яратдики, чангида сув остида бемалол юриш мумкин.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

27 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 Такрорий фильмлар экрани. «Фидойилик». Бадиий фильм. 1 ва 2-серициялар.
11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеҳрли сандиқ». «Довюрак Иван қандай қилиб маликани қутқарди!». Мультфильмлар.
18.30 «Қадрият».
19.00 «Пойтуғлик тадбиркор». 4-фильм — «Мен сен билан, халқим».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Мумтоз куйлардан концерт.
20.20 «Маърифатнома».
21.00 «Ахборот».
21.25 «Истиклол йўлида».
21.55 «Ижодий учрашувлар». СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов.
22.35 Ў. Умарбеков. «Кузнинг биринчи куни». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Арктика бўйлаб». Телефильм.
11.00 «Умид». Бадиий фильм. 2-серия.
12.05 Болалар учун театр. «Уч ога-ини ботирлар».

* * *

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ*

*Душанбедан Тожикистон телевиденнеси программалари дастури ўз вақтида узатилмаганлиги сабабли кўрсатувлар тартиби эълон қилинмаяпти.

● МТ
«Орбита IV»

7.00 «Тонг».
9.35 «Аёл: тақдир варианти». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.30 «Уралдаги уч учрашув».
12.30 ТСН.

* * *

14.40 Биржа янгиликлари.
14.55 «Ён дафтар».
15.00 «Бриджж».
15.30 ТСН (сурдо таржимаси билан).
15.45 Рус қўшиқларини Т. Петрова куйлайди.

*

16.00 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
17.05 «Золушка ҳузурида знёфатда».
18.05 Саратовда бўлиб ўтган XIV Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалининг совриндор фильмлари. «Рус қўшиғи». В. Борисов-Мусатов ижоди ҳақида («Саратовтелефильм»).
18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан).
18.45 «Инсон ва қонун».
19.25 «Снёсий текширув». «Афгонистон: уруш сояси ортида». А. Н. Яковлев билан интервью.
20.10 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
21.30 Информацион программа.
22.05 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Матадор», «Музобоз табриклайди», «Шоу-биржа».
01.20 ТСН.
01.35 М. Муромов, Е. Семёнова, И. Отиева, В. Толкунова, О. Газманов иштирокида концерт.
03.15 В. Федосеев раҳбарлигидаги Катта симфоник оркестрнинг концерти.

● МТ
«Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.15 «Ишбилармон иншилар даври».
10.15 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.45 Инглиз тили. «АҚШ онла альбоми».
11.15 «Қизил гул». Мультфильм.

*

11.55 «Бешинчи ғилдиран».
13.55 «Ганна Главари». Ф. Легарнинг «Қувноқ тул хотин» оперетласи мотивлари асосида телевизион мусиқий фильм.
15.10 «Менделеев». Телефильм.
15.40 Ўқитувчилар хорлари III Бутунроссия фестивали қатнашчиларининг концерти.

* * *

17.15 «Тилла тоғларим бўлганда эди...». Телефильм премьераси (Волгоград). «Она замин ташвишида» туркумидан.
17.50 Мультфильмлар: «Бочка», «Шунчаки».
18.15 «Коррупция: қуёнлар ва илонлар».
19.15 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.30 Болалар учун кўрсатув.
19.45 Урал ТВ видеоканали.
20.25 Эълонлар.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Иккинчи Рус инқилоби». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Би-Би-Си»). 8-серия.
22.10 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
22.40 Театр сафари. Катта драма театри: кеча, бугун, эртага. «Товстоногов».
23.35 Эълонлар.
23.40 Хабарлар.
24.00 «Театрал». Арбатда ҳовли тўйи.
01.10 «Джаз-тайм». «Жаҳон джази»нинг байрам сони.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, Б. МАХСИТОВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Т. СОЛИЕВ, С. СИРОЖИДДИНОВ, Э. ИБРОҲИМОВ, М. АБДУРАҲМОНОВ, Н. ТОШЕВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шиковат, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602, 68.753 нусхада чоп этилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.30

Буюртма —6486.